# ШЕРОБОДДА МЕДИА-ТУР ЎТКАЗИЛДИ

Бугун, 31 март куни Шеробод туманида ижтимоий тармоқ фаоллари иштирокида медиа-тур ташкил этилди. Туманнинг  “Чорбоғ”маҳалласи ҳудудида жойлашган туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хўжаикон туз ғори", “Жануб давоси” МЧЖ шунингдек “Хўжаикон туз” МЧЖ корхоналарида бўлиб, Мазкур даволаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳақида атрофлича маълумот олишди. Медиа-тур давомида ижтимоий тармоқ фаоллари ушбу табиий даволаш туз ғорини ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш борасида ўз фикрларини билдиришди.